

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ҳайъатининг**

ҚЎШМА ҚАРОРИ

2023 йил “11” февраль	№ 02/400	Қарши шахри
2023 йил “9” февраль	№ 9-4 “С”	Қарши шахри
2023 йил “10” февраль	№ 7-3	Қарши шахри

**Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг
Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят
ҳудудий бошқармаси ўртасида 2020-2022 йилларга тузилган минтақавий
келишувнинг 2022 йилда бажарилиши ва 2023-2025 йилларга мўлжалланган
ҳудудий жамоа келишуви лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида**

Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун тузилган минтақавий келишувнинг 2022 йилда бажарилишини таъминлашда ижтимоий шериклар томонидан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 2022 йил “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да вилоятни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Вилоятда 2022 йил ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 49,5 триллион сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 105,6 фоизга бажарилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат дастури доирасида 30037 та иш ўринлари ташкил этилди. 2021 йилга нисбатан капитал қурилиш ишлари ҳажми 103,6 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 111,6 фоизга, чакана савдо айланмаси 110,1 фоизга ўсишига эришилди. Вилоятда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида 16 триллион 181,5 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

“Обод маҳалла” ва “Обод кишлоқ” дастурлари доирасида вилоятимиздаги аҳоли яшаш манзилларида ижтимоий шарт-шароитларни яхшилаш, мавжуд инфратузилма, коммуникация тармоқларини замон талабларига мослаштириш, кишлоқ жойларида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида ҳам бир катор ишлар амалга оширилишига эришилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган Қонун ҳамда қонун ости ҳужжатлар асосида тадбиркорлик субъектларига яратилган имконият ва имтиёзлар берилиши натижасида кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 69,0 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот йилида вилоятда 8551 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, жами фаолият кўрсатаётганлари сони 36421 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни эркин фаолият кўрсатиши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратиб бериш юзасидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ва унинг шахар,

туманлардаги “Тадбиркорларга кўмаклашиш марказ”лари орқали 2066 дан ортик палата аъзоларига хизматлар кўрсатилди.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш натижасида ҳисобот даврида 33384,6 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Вилоятда меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан 426,9 минг иш ўринлари ташкил этилди. Шу жумладан, қурилиш соҳасида 9,0 минг, тармоқ ва ҳудудий инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш, ташқи савдо ва маҳаллий саноатни ривожлантириш ҳисобига 6,9 минг, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида, хусусан ер ажратиш ҳисобига 289,1 минг, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига 50,4 минг, хунармандчиликни ривожлантириш йўналишида 6,3 минг, тадбиркорлик, ўзини ўзи банд қилиш ва бўш иш ўринларини тўлдириш ҳисобига 42,6 минг, туризм ва маданият йўналишида 21,1 минг, спорт соҳасида 1,3 минг доимий ва мавсумий иш ўринлари яратилди.

Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 2022 йилда 240 та “Бўш иш ўринлари” ярмаркалари ўтказилиб, ушбу меҳнат ярмаркалари орқали 3041 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди. 2022 йилнинг январь-декабрь ойлари давомида 14,3 минг нафар иш билан банд бўлмаган фуқаролар жамоат ишларига жалб этилиб йиллик режа 112 фоизга бажарилди. Жамоат ишларига жалб этилган фуқароларнинг ойлик иш ҳақлари учун жамоат ишлари жамғармасидан 15,9 млрд.сўм маблағ молиялаштирилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорига кўра меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 718 та корхонада банд қилиб қўйилган иш ўринларига 2380 нафар шахслар ишга жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145 сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоятда истиқомат қилаётган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолликларини ошириш, бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муоммоларини ҳал этишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. 2022 йил вилоятда “Аёллар дафтари”нинг 3-босқичига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан 60182 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга жами бўлиб 70969 млн. сўм маблағ сарфланди. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож 25525 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган эҳтиёжманд хотин-қизлардан 3570 нафарига тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 42454,8 млн сўмлик банк кредит маблағлари ажратилди. Боқувчисини йўқотган 14301 нафар хотин-қизларга 11084,7 млн сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. 223 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни уй-жойларини таъмирлашга 1416,1 млн сўм маблағ сарфланди. Ижтимоий ёрдамга муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек тезкор тиббий муолажага муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизлардан 9758 нафарига 8 020,6 млн. сўмлик ёрдамлар кўрсатилди. Уй-жойга муҳтож 178 нафар эҳтиёжманд хотин-қизлар уй-жойлар билан таъминланди ва уларни уй-жой билан таъминлаш учун 7120,4 млн. сўм сарфланди. Уй-жойи мавжуд бўлмаган 769 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларга

966,2 млн сўм ижара тўлови (компенсация) тўлаб берилди. Қарамоғида ногиронлиги бўлган фарзанди мавжуд 6081 нафар хотин-қизларга 4951,6 млн сўм моддий ёрдамлар кўрсатилди. Қишлоқ жойларда яшаётган 268 нафар хотин-қизларга томоркасидан унумли фойдаланишлари учун 2 075 млн. сўмлик ёрдамлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномаларига мувофиқ меҳнатни техник ва экологик томондан хавфсиз соғлом шарт-шароитларни яратиш, иш жойларида асбоб-ускуналар, жиҳозларни меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлиши, шунингдек ноқулай меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларга махсус кийим бош, пойабзал, шахсий химоя воситалари, сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш каби тадбирларнинг бажарилишига 31 млрд.421,7 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ижтимоий суғурта ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан 2022 йил давомида 4030 нафар меҳнаткашлар касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда соғломлаштирилиб, ушбу мақсадлар учун ижтимоий суғурта ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллар маблағлари ҳисобидан 16 млрд.048 млн.801 минг сўм сарфланди.

Вилоятдаги мавжуд 14 та стационар оромгоҳларда меҳнаткашларнинг 17508 нафар болалари дам олдирилди.

Ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш айниқса, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ижроси бўйича пенсиялар, ижтимоий нафақалар, стипендиялар ҳамда иш ҳақи тўловлари асосан ўз вақтида тўлаб борилди. Маҳаллий бюджетдан вилоят бўйича ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамга жами бўлиб 1 трлн. 566 млрд. 303,0 млн. сўм сарфланди.

2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” учун тасдиқланган Манзилли дастур доирасида жами 7 млрд. 540 млн. 600 минг сўм, шу жумладан касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 399,4 млн. сўм харажат қилинди.

Минтақавий келишувнинг 2022 йилда бажарилиши бўйича амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда келишувда кўзда тутилган айрим тадбирларнинг бажарилишида сусткашлик ва камчиликларга йўл қўйилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва доимий янги иш ўринларини ташкил қилишга қаратилган ишлардаги муаммо ва камчиликларга етарлича барҳам берилмади.

Тармоқ корхоналарида ходимларга иш ҳақини тўлаб беришда амалдаги қонунлар ва Ҳукумат қарорларида белгилаб қўйилган талабларга риоя қилинмаганлиги оқибатида 2023 йил 1 январь ҳолатида вилоят бўйича 8589,7 млн сўм иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилди. Ушбу муддати ўтган қарздорлик энергетика, нефт-газ ва геология тармоғининг вилоятдаги корхоналарида 6580,5 млн. сўмни, Агросаноат мажмуи тармоғи корхоналарида 1496,0 млн.сўмни, Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари тармоғи ташкилотларида 513,2 млн. сўмни ташкил этди.

Айрим корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва техника хавфсизлиги ишларига етарлича маблағ ажратилмаётганлиги ва бу борадаги ишлар

устидан тўлиқ назорат ўрнатилмаганлиги туфайли 2022 йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 9 та бахтсиз ҳодисалар содир бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг ҳайъати **қарор қилади:**

1. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2020-2022 йилларга мўлжаллаб тузилган минтақавий келишувнинг 2022 йилда бажарилиши тўғрисида”ги маълумот ахборот учун қабул қилинсин (1-илова).

2. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида 2023-2025 йилларга мўлжаллаб тузилган ҳудудий жамоа келишуви лойиҳаси тасдиқлансин (2-илова).

3. Шаҳар, туман ҳокимликлари, идоралар, хўжалик бошқармалари ва бирлашмалари, тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, касаба уюшмалари ишини мувофиқлаштирувчи туман, шаҳар кенгашлари, Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг туман, шаҳар тадбиркорларга кўмаклашиш марказлари унитар корхоналарига қуйидагилар асосий вазифа қилиб белгилансин:

- ҳудудларнинг иктисодий- ижтимоий фаол ривожланишига ҳар томонлама қулай ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратиш;

- ҳудудларда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб қилиш чораларини кўриш;

- туман (шаҳар)ларда тадбиркорлик субъектларига кичик бизнесни ривожлантиришга қулай шарт-шароитлар яратиш;

- аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамларнинг даромадларини ошириш чораларини кўриш;

- аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ва уларнинг камраб олинишини кенгайтириш;

- таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш чораларини кўриш;

- аҳоли ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштиришга эришиш;

- меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларининг бўш вақтларини сермазмун ўтказилишида ички ва ташқи туризмни ривожлантириш;

- ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, техник ва экологик хавфсиз, соғлом шарт-шароитларни яратиш, иш жойларида асбоб-ускуналар, жихозларни меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлишига эришиш;

- хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш;

- 2023 йил –“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” Давлат дастури тадбирларининг бажарилишини таъминлаш;

- фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, уларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш;

- хуудий жамоа келишув ва жамоа шартномаларига 2023 йилда киритилган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш вазифалари топширилсин.

4.Тарафларнинг келишувига кўра 2023-2025 йиллар учун тузилган минтақавий жамоа келишувининг бажарилишини текшириб бориш комиссиясининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5.Хуудий келишувининг бажарилишини текшириб борувчи комиссияга келишувнинг 2023 йилда ижросини мунтазам таҳлил этиш, бажарилмаётган мажбуриятлар бўйича томонларга таклифлар киритиб бориш топширилсин.



Қашқадарё вилояти ҳокими

М.Азимов



Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Қашқадарё вилоят
Кенгаши раиси

Б.Джураев





Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
вилоят хуудий бошқармаси бошлиғи

Н.Очилов





**Ижтимоий меҳнат масалалари бўйича 2023-2025 йиллар учун тузилаётган
минтақавий келишув лойиҳасини ишлаб чиқувчи ижтимоий меҳнат
масалалари бўйича ҳудудий комиссия**

ТАРКИБИ





Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органидан:

1. Қодиров А.А.  вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари-вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси бошлиғи
2. Гофуров Р.А.  - вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи
3. Рустамов С.С.  - вилоят молия бошқармаси бошлиғи ўринбосари
4. Исоқов А.  вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
5. Гаппаров Ш.Х.  вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари
6. Тайлоқов Ш.О.  вилоят статистика бошқармаси бошлиғи ўринбосари
7. Қувватов К.  - вилоят бандлик бош бошқармаси Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгашидан:

1. Аҳмедов И.Н.  - Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари
2. Саггаров Ш.Б.  Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори
3. Хўжаев Б.Х.  - Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси
4. Кубаев Ш.Р.  - Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси
5. Юсупов А.К.  - Энергетика, нефт-газ ва геология ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси
6. Хўжакулов А.Э.  - Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши меҳнат техник инспектори
7. Тўраев А.Б.  - Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири

Иш берувчилардан:

1. Турсунов И.К.  - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши раиси
2. Очилова О.Х.  - Ўзбекистон “Ишбилармон аёл” уюшмаси вилоят бўлими раиси
3. Халилов Қ.  - Ўзбекистон Республикаси “Хунармандлар” уюшмаси вилоят бўлими раиси
4. Муродов Ф.Н.  - “Худудгаз Қашқадарё” газ таъминот филиали бошлиғи
5. Амиров Ш.  - Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари
6. Хасанов Б.  - Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши раиси ўринбосари
7. Аллаёров О.  - “Ўзтўқимачилик” саноати уюшмаси Қашқадарё вилоят филиали директори

Изоҳ: Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибига уларнинг вазифаларига янгидан тайинланган (сайланган) шахслар ёки зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун

ҲУДУДИЙ ЖАМОА КЕЛИШУВИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимлик”), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти Кенгаши (бундан буён – “Касаба уюшмалари”), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён – “Иш берувчилар”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига амал қилиб; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари устуворлигини биринчи ўринга қўйиб;

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали ҳамкорликни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2023-2025 йиллар учун Бош жамоа келишув асосида вилоятда ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб олиш мақсадида мазкур Ҳудудий жамоа келишувни тузиб (бундан буён “Келишув”) Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни оладилар.

I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармон билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси”да Миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб

кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислохотларни янада чуқурлаштириш.

3. Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулотни - 1,6 баравар ошириш ҳамда “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун замин яратиш.

4. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ҳудудий маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш.

5. Иқтисодиётни электр энергияси ва табиий газ билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш.

6. Рақамли иқтисодиётни асосий “драйвер” соҳага айлантириб, унинг ҳажмини камида 2,5 баравар оширишга қаратилган ишларни олиб бориш.

7. Вилоятда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

8. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

9. Аграр соҳага янги технология ва инновацияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш, томорқа хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини ошириш мақсадида пахта-тўқимачилик кластерларини ташкил этишни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигида илмий асосланган ишлаб-чиқаришни йўлга қўйиш орқали озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш (1-жадвал).

10. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислох қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

11. Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш.

12. Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш.

13. Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

15. “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг” дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 1,6 миллион нафардан ошириш ҳамда вилоятга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 150 минг нафарга етказиш.

II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш.

Меъёрий ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

16. Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерациясининг вилоятдаги вакили тимсолида иш юритувчи Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси иштирокини таъминлаш.

17. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалиётга кенг жорий қилиш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

аҳолининг янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси ҳақида хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

18. Вилоятда меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, қасаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан.

19. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий - меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

20. Вилоятда меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида барча даражадаги қасаба уюшмаларининг вилоят бошқармалари, ташкилотлари ва идоралари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

21. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишида фақатгина Қасаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиб амалга оширилади (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ушбу масаладаги ёзма тақдимномаси Қасаба уюшмаси қўмитасида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 19 мартдаги 2-37-сонли қарори билан тасдиқланган “Қасаба уюшмаси органларида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилади.

22. Қасаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб

чикмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлаш.

23. Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли тармок касаба уюшмасининг вилоят органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини энгиллаштиришга қаратилган маслаҳатлашувлар ўтказаш.

24. Ишчи-ходимлар, иш берувчилар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигини ошириш. Фуқароларга бепул ҳуқуқий ва консултатив ёрдам кўрсатилишини кенгайтириш.

25. Корхона, ташкилот ва муассасаларда, шу жумладан тадбиркорлик субъектларида Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

26. Давлат ва касаба уюшмаларининг инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, шу жумладан “Меҳнат М” Меҳнат низоларини кўриб чиқиш марказини вилоятда ташкил этишни қўллаб-қувватлаш.

III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилишини зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

27. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида вилоят меҳнаткашларининг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

28. Жамоа шартнома ва келишувлари орқали меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган тарзда ушлаб қолишларга йўл қўймаслик, меҳнатга ҳақ тўлашда ҳаддан ташқари табақаланишни камайтириш ва камситилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

29. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни меҳнат жамоаси музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати” да кўрсатилмаган табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллار қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида назарда тутилишига эришиш.

31. Ташкилотларда энг паст лавозимдаги ходимлар Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффициенти – камида 1,000) бўйича тарификация қилинишини таъминлаш.

32. Вилоятда мулк шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармок коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан қасаба уюшмаси кўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари тадбир қилинишига эришиш.

33. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари қасаба уюшмаси кўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

34. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва қасаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4939-сон Қарори асосида қасаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назорати ўрнатиш.

IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

36. Бандлик йўналишлари, ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шaroитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса кишлок жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш (2 -жадвал).

37. Норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш концепциясини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда иштирок этиш.

38. Ўзини ўзи банд қилганларни ва яқка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-

тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

39. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик вилоятдаги иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоиздан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш.

40. Олий, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли харбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

41. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида кўнимлиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

42. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, қасаба уюшмаларининг ҳамда Иш берувчилар конфедерациясининг вакиллари ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

43. Вилоятда юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатишнинг ходимларнинг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

44. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва доимий равишда ривожлантириб бориш.

45. Вилоятда эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринларининг 7 фоиздан кам бўлмаган миқдорини захира қилиб қўйиш орқали қасаба уюшмалари ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни талаб мавжуд бўлган фаолият йўналишлари бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш (3-жадвал).

46. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва ҳолисона хабардор қилинишини таъминлаш.

47. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, Касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали.

48. Мехнат органлари ва Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга мухтож катламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

49. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш орқали Давлат бандлик хизмати салоҳиятини кучайтириш.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сонли Қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

51. Иш берувчиларнинг ходимларни оммавий равишда ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорини касаба уюшмалари таклифига кўра вақтинча тухтатиб туришни маҳаллий давлат ҳокимиялари томонидан инобатга олиш.

V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

52. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

53. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш;

54. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

55. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда ҳудудий тармоқ келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг қўллаш.

56. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича ҳудудий уч томонлама комиссиянинг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши, ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озик-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш, ва уларни малакасини доимий равишда ошириб бориш, ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларига улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

57. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишларни мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

58. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

59. Касаба уюшмалари тизимида мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш.

60. Банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида, саноатда, қурилишда, алоқада, ташиш ва сақлашда меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларини ишлаб чиқиш.

61. Ҳар йили 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

62. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид Конвенциялари талаблари бажарилиши устидан ташкилий-ҳуқуқий шаклдан катъий назар барча ташкилотларда мониторинг олиб бориш.

63. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

64. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

65. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

66. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш Стратегиясида қўйилган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

67. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

68. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”ни амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

69. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бор шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили “Наврўз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия хашарларини ўтказиш (4-жадвал).

70. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

71. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг вилоят кенгаши ва вилоятдаги Иш берувчилари томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Саховат” ва “Мурувват” уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

72. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни оловчи шахслар билан Ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

73. Нотинч ва кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “Оилавий саёҳат” туристик пакетларни жорий этиш.

74. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг “Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида”ги 205-сон Тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

75. Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли хордик чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

76. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш (6-жадвал).

77. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўғарақларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

78. Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини имкониятдан келиб чиқиб, қасаба уюшмалари тизимидаги соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш (7-жадвал).

79. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш (8-жадвал).

80. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида “Меҳрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан ноқулай

минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

81. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратиш, ички туризмни ривожлантириш чораларини кўриш.

82. 11 ноябрь “Қасаба уюшмалари куни”ни вилоятдаги барча ташкилотларда нишонлаш.

VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча қафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган қафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

83. Халқаро Меҳнат Ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар киритиб бериш.

84. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус”и бўйича дастурларидан келиб чиқиб, ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш.

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукамал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

85. Жамоа шартномалари ва ҳудудий жамоа келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

86. Жамоа шартномалари ва ҳудудий жамоа келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт- шaroитлар яратиш,

хотин-қизлар учун саёхатларини ташкил этиб бориш;

узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақирuvi захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фoизсиз ссудалар бериш.

87. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарориди кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш.

IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

88. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

89. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, пахтачилик, ғаллачилик кластерлари, қурилиш ташкилотлари, фермер хўжаликлари, кичик бизнес субъектлари иш берувчиларига, шунингдек, мавсумий меҳнат жамоалари раҳбарларига жамоа музокараларини ташкил этиш орқали касаба уюшмаси ташкилотини тузишга тавсиялар бериш.

90. Норасмий тарзда банд бўлган, шунингдек қўнлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

91. Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва ҳудудий жамоа келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги ҳудудий келишувларини - тегишли йилнинг январь ойдан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса - март ойдан кечиктирмай тузишни;

ҳудудий келишувлар ва жамоа шартномаларини бажариш яқунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция)ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

92. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқиладиганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси вакиллари таклиф этилишини;

касаба уюшмалари вилоят кенгашлари, бирлашган кўмита раисларини ҳамда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг хайъатлари мажлисларида иштирок этишини;

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

93. Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг вилоят ҳокимлиги, бошқармалар, идоралар ва ташкилотлар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

94. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш

Х. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

95. Мазкур келишув 2023-2025 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Қашқадарё вилоятининг бутун ҳудудида амал қилади.

96. Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сўбат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

97. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида вилоятдаги барча бошқармалар, идораларга, ташкилотларга ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

98. Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

99. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

100. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва яқунларини муҳокама қилиб бориш.

101. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

102. Мазкур келишувнинг бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳудудий уч томонлама комиссия амалга оширади.

2023 йил “___” _____ да Қарши шаҳрида тузилди.



Қашқадарё вилоят ҳокими

М.Азимов

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Қашқадарё вилоят
Кенгаши раиси



Б.Бжурев

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
вилоят ҳудудий бошқармаси
бошлиғи



М.Очилов

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида 2023-2025 йиллар учун тузилган ҳудудий жамоа келишувга илова қилинган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8-жадваллар ва уларнинг номланиши

1-жадвал 2023 йил вилояда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари режаси.

2-жадвал 2023 йилда вилоятнинг туман (шаҳар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан мурожаат қилган ишсиз фуқароларни ижтимоий химоялаш мақсадида амалга ошириладиган ишлар прогноз параметрлари.

3-жадвал 2023 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган фуқароларни ишга жойлаштириш учун банд қилинган иш ўринлари режаси.

4-жадвал 2023 йилда вилоят бўйича маҳаллий бюджетдан кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун қилинадиган харажатлар режаси.

5-жадвал вилоятда 2023-2024 ўқув йилида умумтаълим мактабларига келиши кўтиляётган 1-синф ўқувчилари учун 12 номдаги ўқув куроллари тўпламига буюртмаларни шакллантиришда ўқувчилар сони тўғрисида прогноз маълумот.

6-жадвал Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгашига аъзо тармоқ қасаба уюшмалари бўйича 2023 йилда ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторий йўлланмаларининг тақсимооти.

7-жадвал Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгашига аъзо тармоқ қасаба уюшмалари бўйича 2023 йилда қасаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан олинадиган санаторий йўлланмаларининг тақсимооти

8-жадвал 2023 йилги ёз мавсумида вилоятда фаолият юритадиган оромгоҳлар ва уларга семиналар кесимида болаларни қабул қилиш тахминий режа-жадвали.

2023 йил вилояда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат ва етиштириладиган
қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари

Режаси

Т/р	Маҳсулот тури	Ўлчов бирлиги	Режа
1.	Ун	минг тонна	163
2.	Нон	минг тонна	375366
3.	Ўсимлик ёғи	минг тонна	10
4.	Гўшт	минг тонна	329,4
5.	Сут	минг тонна	1333,2
6.	Тухум	млн дона	661,7
7.	Пахта	Минг тонна	448,5
8.	Бошоқли дон	Минг тонна	802,8
9.	Картошка	Минг тонна	187,3
10.	Сабзавот	Минг тонна	532,0
11.	Мева	Минг тонна	172,1

2023 йилда вилоятнинг туман (шахар) Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан мурожаат қилган ишсиз фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида амалга ошириладиган ишлар прогноз параметрлари

№	Туман (шахар) номи	Ишга жойлаштириш	Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этиш	Субсидиялар ажратиш	Ишсизлик нафақаси	Кунлик меҳнат марказлари орқали бир марталик ишлар билан таъминлаш
1	Қарши ш.	2881	1255	118	379	1949
2	Шаҳрисабз ш.	1405	876	63	296	2313
3	Ўзур т.	1701	914	84	419	-
4	Дехқонобод т.	1526	717	60	351	-
5	Касби т.	1547	923	84	311	-
6	Китоб т.	2126	1088	106	313	-
7	Косон т.	2705	971	105	378	-
8	Қамаши т.	1795	1103	106	376	-
9	Қарши т.	1906	1055	98	365	-
10	Миришкор т.	1277	649	55	319	-
11	Муборак т.	1183	427	31	295	-
12	Нишон т.	1401	729	60	354	-
13	Чироқчи т.	2030	915	84	318	2829
14	Шаҳрисабз т.	1847	979	90	282	-
15	Яккабоғ т.	1794	1044	104	277	1605
16.	Кўкдала т	1540	690	64	243	-
	Жами:	28663	14337	1313	5277	8696

**Қашқадарё вилоятида 2023 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш
топишда қийналадиган фуқароларни ишга жойлаштириш учун банд
қилинган иш ўринлар
Режаси**

№	Туман (шаҳар) номи	Захираланган иш ўринлари сони	Иш ўринлари банд қилинган корхоналар сони	Туман (шаҳар) хокимининг қарори санаси ва рақами	Туман (шаҳар) хокимининг қарори ҳолати (тасдиқланган; тасдиқлаш жараёнида)
1	Қарши шаҳри	310	54	2022 йил 29 сентябр 570-4-69-Q/22	тасдиқланган
2	Шаҳрисабз шаҳри	70	23	2022 йил 27 сентябр 141-4-209-Q/22	тасдиқланган
3	Ғузур тумани	146	43	2022 йил 29 сентябр 388-4-56-Q/22	тасдиқланган
4	Дехқонобод тумани	120	15	2022 йил 30 август 309-4-57-Q/22	тасдиқланган
5	Қамаш тумани	105	13	2022 йил 30 сентябр 381-4-58-Q/22	тасдиқланган
6	Қарши тумани	176	79	2022 йил 22-август 378-4-59-Q/22	тасдиқланган
7	Касби тумани	68	29	2022 йил 17-сентябр 322-4-61-Q/22	тасдиқланган
8	Китоб тумани	116	47	2022 йил 8-сентябр 421-4-62-Q/22	тасдиқланган
9	Косон тумани	263	25	2022 йил 13 октябр 366-4-60-Q/22	тасдиқланган
10	Миришкор тумани	90	52	2022 йил 23-сентябр 290-4-63-Q/22	тасдиқланган
11	Муборак тумани	239	16	2022 йил 8-сентябр 471-4-64-Q/22	тасдиқланган
12	Нишон тумани	71	16	2022 йил 20 сентябр 768-4-65-Q/22	тасдиқланган
13	Чирокчи тумани	139	30	2022 йил 24 октябр 519-4-66-Q/22	тасдиқланган
14	Шаҳрисабз тумани	98	14	2022 йил 29 сентябр 231-4-67-Q/22	тасдиқланган
15	Кўкдала туман	98	11	2022 йил 17 октябр 84-4-224-Q/22	тасдиқланган
16	Яккабоғ тумани	139	50	2022 йил 26 сентябр 387-4-68-Q/22	тасдиқланган
Жами:		2248	517		

2023 йилда вилоят бўйича маҳаллий бюджетдан кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун қилинадиган харажатлар

Режаси

№	Шаҳар ва туманлар номи	Кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси	Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам нафақаси	Якка- ёлғиз қарияларга озик овқат маҳсулотлари етказиб бериш
1.	Қарши шаҳар	76394,1	2086845	2376868
2.	Шаҳрисабз шаҳар	53787	2174,8	3909
3.	Ўзур тумани	105911,6	5366,7	23472
4.	Дехқонобод тумани	87267,6	4406	7209
5.	Қамаши тумани	173966,7	2822,9	21063
6.	Қарши тумани	128176,4	5997,7	9631,5
7.	Косон тумани	130740,4	1458,8	6918
8.	Кўкдала тумани	55921,1	771,3	2703
8.	Китоб тумани	128465	1749,3	4215,6
9.	Муборак тумани	32839,4	745,2	0
10.	Нишон тумани.	69672	870,5	6613,2
11.	Касби тумани	108708,6	2858,1	6931,5
12.	Миришкор тумани	58611	693,2	3312
13.	Чироқчи тумани	217720,3	3139,6	7515
14.	Шаҳрисабз тумани	120380,5	2404,5	1506
15.	Яккабоғ тумани	133473,6	2083,7	8718
	Вилоят бўйича жами	1682035,2	40898,1	125476,2

13. Чироқчи тумани

14. Шаҳрисабз тумани

15. Яккабоғ тумани

16. Кўкдала тумани

Жами:

5-жадвал

Вилоятда 2023-2024 ўқув йилида умумтаълим мактабларига келиши кўтиляётган
1-синф ўқувчилари учун 12 номдаги ўқув қуроллари тўпламига буюртмаларни
шакллантиришда ўқувчилар сони тўғрисида прогноз

МАЪЛУМОТ

Т/Р №	Туман (шаҳар) номи	1-синф ўқувчиларини ўқув анжомлари билан таъминлаш (Ўқувчилар сони)
1.	Қарши шаҳар	6507
2.	Шаҳрисабз шаҳар	2670
3.	Ғузор тумани	4649
4.	Дехқонобод тумани	3336
5.	Қамаши тумани	6098
6.	Қарши тумани	4823
7.	Касби тумани	4259
8.	Китоб тумани	5816
9.	Косон тумани	5746
10.	Миришкор тумани	2226
11.	Муборак тумани	1890
12.	Нишон тумани	3233
13.	Чирокчи тумани	6226
14.	Шаҳрисабз тумани	4732
15.	Яккабоғ тумани	6141
16.	Кўкдала тумани	4934
	Жами:	73286

6-жадвал

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгашига
аъзо тармоқ қасаба уюшмалари бўйича 2023 йилда ижтимоий суғурта
маблағлари ҳисобидан санаторий йўлланмаларининг
Таксимоти**

№	Тармоқлар номи	Санатория йўлланма- лари	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1.	Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси	251	86	59	42	64
2.	Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси	1017	116	363	412	126
3.	Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси	140	22	44	45	29
4.	Энергетика, нефтгаз ва геология ходимлари қасаба уюшмаси	73	12	25	25	11
5.	Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси	275	45	89	84	57
6.	Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари қасаба уюшмаси	78	14	27	19	18
7.	Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси	94	16	29	27	22
8.	Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси	53	8	20	18	7
9.	Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси	6	0	5	1	0
10.	Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари қасаба уюшмаси	34	8	10	10	6
Жами:		2021	327	671	683	340

7-жадвал

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоят Кенгашига
 аъзо тармоқ қасаба уюшмалари бўйича 2023 йилда қасаба уюшма бюджети
 маблағлари ҳисобидан имтиёзли олинadиган санаторий йўлланмаларининг
 Тақсимоти

№	Тармоқлар номи	Санатория йўлланма- лари	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1.	Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси	66	16	15	12	23
2.	Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси	766	132	250	249	135
3.	Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси	398	81	120	120	77
4.	Энергетика, нефтгаз ва геология ходимлари қасаба уюшмаси	347	59	111	113	68
5.	Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмаси	301	57	94	95	55
6.	Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари қасаба уюшмаси	44	5	17	16	6
7.	Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси	44	6	15	16	7
8.	Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси	43	7	16	15	5
9.	Маданият, спорт ва туризм ходимлари қасаба уюшмаси	36	8	9	11	8
10.	Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари қасаба уюшмаси	36	8	12	11	5
Жами:		2085	378	659	658	390

2023 йилги ёз мавсумида вилоятда фаолият юритадиган оромгохлар ва уларга семиналар кесимида болаларни қабул қилиш тахминий

РЕЖА-ЖАДВАЛИ

№	Оромгох номи	Жами сменалар сони	Умумий сменалар бўйича дам олдирish режалаштирилётган болалар сони	Эталик қилувчи корхона, ташкилот номи	Оромгох манзили
Қашқадарё вилояти					
1.	"Автомобилчи"	4 смена	600 (1 сменада 150 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Яккабоғ тумани, Янгиобод қишлоғи
2.	"Шуртан қалдирғочи"	4 смена	1500 (1 сменада 375 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Яккабоғ тумани, Ишкент қишлоғи
3.	"Ёшлик"	4 смена	1200 (1 сменада 300 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Яккабоғ тумани, Ўрта қишлоғи
4.	Мирзо Улугбек номили	4 смена	1660 (1 сменада 415 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Яккабоғ тумани, Гулистон маҳалласи
5.	"Истиклол гунчалари"	4 смена	1400 (1 сменада 350 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Яккабоғ тумани, Кенгузар қишлоғи
6.	"Сохибқирон"	4 смена	1000 (1 сменада 250 нафар)	"Таллимаржон ИЭС" УК	Яккабоғ тумани, Кенгузар қишлоғи
7.	"Ёш кимёгар"	4 смена	800 (1 сменада 200 нафар)	«Дехқонобод калий заводи» МЧЖ	Яккабоғ тумани, Кенгузар қишлоғи
8.	"Лочин" оромгохи	4 смена	4000 (1 сменада 1000 нафар)	"Шўртан газ кимё мажмуаси" МЧЖ	Шахрисабз тумани Мироки шахарчаси
9.	"Гулистон" оромгохи	4 смена	400 (1 сменада 100 нафар)	Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси	Шахрисабз тумани, Шўрчи қишлоғи
10.	"Зебунисо" оромгохи	4 смена	1000 (1 сменада 250 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Шахрисабз тумани, Қани қишлоғи
11.	"Зиё чашмалари"	4 смена	1200 (1 сменада 300 нафар)	Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси	Шахрисабз тумани, Лолистон қишлоғи
12.	"Нурафшон" оромгохи	4 смена	800 (1 сменада 200 нафар)	"Қашқадарё худудий электр тармоқлари" АЖ	Китоб тумани, Қайнар қишлоғи
13.	"Кимёгар" оромгохи	4 смена	800 (1 сменада 200 нафар)	Қашқадарё вилоят "Агрокимёхимоя" АЖ	Китоб тумани, Қайнар қишлоғи
14.	"Алоқачи" оромгохи	4 смена	440 (1 сменада 110 нафар)	"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали	Китоб тумани, Қайнар қишлоғи
ЖАМИ:			16 800		